# Ш А Р Т Н О М А №16/Z

(газ сотиш учун)

«19» Январ 2022-йил Чуст туман

Бизлар. бир томондан «ZIKRILLO SAVDO SERVIS» МЧЖ директори Х.С. Исақов кейиичалик «Сотувчи» деб иомланади, иккинчи томондан Чуст туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими номидан рахбари Ҳ.Юлдашев кейинчалик «Харидор» деб номланади, амалдаги корхона Низомига асосан қуйидаги шартномани туздик:

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1 «Сотувчи» махсулотни сотиш мажбуриятини, «Харидор» эса сотиб олинган Махсулот учун ўз вақтида пул тўловларини сотувчини хисоб рақамига ўтказиш мажбуриятини олади.

| № | Махсулот номи | ўлчов бирлиги | Жами 1-- йилга бериладиган Махсулот миқдори | Шу жумладан йил чораклари бўйича | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | I | II | III | IV |
| 1 | Сиқилган газ (метан) | Куб.м | | 535 | | | |

1.2.Сотувчи махсулотни газ куйиш шахобчалари оркали, харидорни махсус сикилган газ махсулотлари билан ишлайдиган жихозланган автомашиналари орқали амалга оширади.

1.3.Харидорнинг автомашинасига қуйилган махсулот куни, махсулотни етказиш санаси хисобланади.

## 2.ТЎЛОВ ТАРТИБИ

2.1 : Хом-ашё материаллари. ёқилғи, энергетик ресурслар таннархи ўзгарганда ҳамда Ўзбекистон Республикасида ҳаракатда бўлган қонун ва қарорларга тегишли ўзгартиришлар киритилганда, шартномада махсулот учун кўрсатилган нарх 2800 сўм қилиб белгиланди.
Умумий нарх 1498000 (бир миллион тўрт юз тўқсон саккиз минг) сўмни ташкил этиб, томонлар келушувига асосан ўзгартирилиши мумкин. Бунда "Сотувчи" "Харидорга" ёзма маълумот беради.

2.2. Махсулот учун тўлов олинган кундаги нарх билан амалга оширилади.

2.3. Махсулот харидорга тарқатиш варақада қайд қилинган холда берилади.

2.4. Махсулот учун харидор томонидан сотувчининг хисоб рақамига пул ўтказилганидан кейин амалга оширилади.

## 3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Харидорнинг мажбуриятлари:

а) Белгиланган тартибда автомашинага газ махсулотларини куйиш учун махсус рухсатнома олиш,

б) Газ баллонининг геометрик ҳажми ва техник холати тўғрисида хайдовчининг йўл варақасига тегишли белги қўйиш,

в) автомашиинанинг газ баллон ускунасини соз ҳолда сақлаш.

г) Газ махсулотларидан фойдаланиш' қоидаларига, техника ҳавфсизлиги қоидаларига тўлиқ риоя қилиш.

3.2. Харидор газ махсулотлари билан ишлайдиган, қайта жихозланган автомашиналардан фойдаланиш давомида техника ҳавфсизлиги ва автомашинани техник ҳолати учун тўлик жавобгарликни ўз зиммасига олади.

3.3. Сотувчининг мажбуриятлари:

а) Автомашинадаги мавжуд ўлчов ускуналарини созлигини ва бу мосламалардан тўғри фойдаланаётганлигини назорат қилиш,

б) Автомашинани хайдовчисини газ махсулотларини ташиш учун гувохномаси борлигини текшириш,

в) Харидор томонидан шартнома шартларини бузиш ва техника ҳавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслик холати аниқланганда, махсулот бериш тўхтатиш.

3.4. Томонлар махсулот хажмини ўртача кунлик нормасидаи келиб чиқган холда ойилик газ миқдорини бир маромда узатиш ва қабул қилиш шарт..

3.5. Харидор сотиб олган махсулотни истеъмол қилиш даврида хар бир юзага келган ўзгаришлар хақида келгуси чорак бошланашидан 15 кун олдин сотувчига ёзма равишда хабар қилиши шарт.

3.6. Сотувчи газ қуйиш шахобчадарида мавжуд бўлган ускуналарни навбатдаги таъмирлаш ишларини амалга оширишдан 3 кун олдин, умумий таъмирлаш ишларини бошлашдан 15 кун олдин харидорга хабар қилиши шарт.

## 4. МАХСУЛОТ (ГАЗ) ХИСОБОТИ

4.1 Харидорга берилган махсулот миқдори тарқатиш варақаси бўйича хисоб китоб қилиб борилади.

4.2. Харидорга берилагн махсулот миқдори АГТКШда ўрнатилган «WORLD POWER TECH» компанияси Жанубий Корея Республикасида ишлаб чиқарилган, компрессор станцияси модели WPT-ECO-350HP-C2(3K-5K) завод серия рақами WPT-2013-350-012,013 (Тошкент шахар синов ва сертификатлаштириш маркази томонидан 28.08. 2014 йилда берилган.

## 5. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Харидор шартномада кўрсатилган хажмдаги сиқилган газдан кўпрок миқдорда олмокчи бўлган тақдирда, томонлар ўртасида қўшимча шартнома тузилади.

5.2. Сотувчи шартномада кўрсатилган махсулот билан харидорни ўз вақтида таъминлай олмаса, қуйидаги холларда жавобгарликни ўз зиммасига олмайди:

а) электр тармоқларида авария содир бўлган холларда:

б) Табиий офатлар (ёнғин, ер кимирлаш, сув тошкинлари) юз берган холларда:

в) Электр тармоқларнинг таъмирлаш учун тўхтатилганда

5.3. Шартномада кўрсатиб ўтилган мажбуриятларни бажарилиши бўйича томонлар Ўзбекистон Республикаси Қонунлари буйича жавобгардирлар.

## 6. Низоларни хал этиш тартиби

6.1. Ушбу шартнома юзасидан келиб чиқадиган барча низолар энг аввало тарафларнинг ўзаро келишуви асосида ҳал этилади

6.2. Тарафларнинг ўзаро келишуви билан ҳал қилиб бўлмайдиган низолар Қонун хужжатларида белгиланган тартибда тегишли иқтисодиёт суди оркали ҳал қилинади

## 7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

7.1. Томонлар шартномани имзолаган кундан бошлаб Қонуний кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

7.2. Шартнома 2 (иики) нусхада тузилиб, Сотувчи ва Харидорга тақдим этилади.

7.3. Шартномада кўрсатилмаган масалалар амалдаги Қонунлар ва тегишли хужжатлар асосида ҳал қилинади.

## 8. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛГОХЛАРИ

| «СОТУВЧИ» | «ХАРИДОР» |
|---|---|
| «ZIKRILLO SAVDO SERVIS» МЧЖ | Чуст туман ветеринария ва ЧРбўлими |
| Чуст шахри, Садача МФЙ, Сабзазор массиви | Чуст шахар Чустий кўча №31 уй |
| х/р 20208000904872576001 | ШХВ 100022860142377042133250001 |
| Наманган ш. «ТРАСТБАНК» ХАБ | МФО 00014 ИНН 200110934 |
| Банкининг Наманган филиали | Чуст туман Ғазначилик бўлими |
| МФО: 01060 ИНН: 301495998 | Ғазна Х/в 23402000300100001010 |
| ОКОНХ: 71211 | ИНН 201122919 |
| Директор Х.С. Исаков | Бошлиқ Ҳ. Юлдашев |
| м.ў. | м.ў. |

# ЮРИДИК АҲАМИЯТГА ЭГА ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА МУВОФИҚЛИГИ ТЎҒРИСИДА ҲУҚУҚИЙ ХУЛОСА

№RW52038700

1. Лойиҳанинг тури: Шартнома.

2. Лойиҳанинг номи:
Сиқилган газ маҳсулоти етказиб бериш шартномаси.

3. Лойиҳа ишлаб чиқувчиси ва киритилган сана ҳақидаги маълумот
Чуст туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими томонидан 2022 йил 19 январ куни ишлаб чиқилган ва дастурга киритилган.

Лойиҳа амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва уни қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

**Марказ бош юрисконсульти:** **С.Хожаев**

2022 йил «22» январ

## Тўлов графиги

**Чуст туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими ва "Zikrillo savdo servis" МЧЖ ўртасида 2022-йил 19-январдаги №16/Z-2 сонли сиқилган газ сотиш бўйча тузилган шартномага асосан ойлар кесимида**

**Микдорий жадвал**

| ойлар | Улчов бирлиги | нархи | микдори | сумма |
|---|---|---|---|---|
| **2022-йил 1-чорак** | | | | |
| Январь | куб,м | 2 800,00 | 178,00 | 498 400,00 |
| Февраль | куб,м | 2 800,00 | 178,00 | 498 400,00 |
| Март | куб,м | 2 800,00 | 179,00 | 501 200,00 |
| **2022-йил 2-чорак** | | | | |
| Апрель | куб,м | | | |
| Май | куб,м | | | |
| Июнь | куб,м | | | |
| **2022-йил 3-чорак** | | | | |
| Июль | куб,м | | | |
| Август | куб,м | | | |
| Сентябрь | куб,м | | | |
| **2022-йил 4-чорак** | | | | |
| Октябрь | куб,м | | | |
| Ноябрь | куб,м | | | |
| Декабрь | куб,м | | | |
| **жами йиллик** | | | **535,00** | **1 498 000,00** |

**Zikrillo savdo servis МЧЖ**

Чуст шахар Садача МФЙ
х/р 20208000904872576001
Наманган шахар "Трансбанк"
Наманган филиали
МФО 01060 ИНН 301495998
ОКОНХ 71280

Директор ____________ Х.

**Чуст туман ветеринария ва ЧРБ**

Чуст шахар Чустий кўча №31 уй
ШХВ 100022860142377042133250001
Марказий банк Тошкент ХККМ
МФО 00014 ИНН 200110934
Чуст туман ғазначилик бўлими
ғазна Х/в 23402000300100001010
ИНН 201122919

Бошлиқ ____________ Х Юлдашев